# Аҳоли манфаатлари доимий эътиборда.

Бугун давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар моҳиятини англаган, зиммасидаги масʼулиятни ҳис қилган мутасадди раҳбар борки, халқ билан яқин бўлишга интилиб, мулоқотнинг самарали усулларидан фойдаланмоқда.

Шу жумладан Сурхондарё вилоят ҳокими Т.Боболов томонидан Қумқўрғон тумани ҳокимининг ўринбосарлари ва уларнинг мажмуалари таркибидаги ташкилот раҳбарлари билан маҳаллаларда учрашув ўтказиш бўйича режа жадвал тасдиқланган.

Режа жадвалга асосан туман ҳокимининг о'ринбосари, Оила ва хотин-қизлар бо'лими бошлиг'и  Н.Жумаева тумандаги “Янги шаҳар”, “Арслонбойли”, “Жалоир”, “Истиқлол”,“Бо‘стон” маҳаллаларида фуқаролари билан учрашиб, муаммо ва таклифларини тинглади.

Фуқаролардан тушган мурожаатларни ижроси бўйича тумандаги тегишли ташкилот ва корхоналарнинг мутасаддиларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди.